этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.9. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6.Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Respбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.2. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор ққилинади.

**7. Якуний Қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. **Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2023 йилга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш, муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга тадбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.**

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2023 йилга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар руй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**Самарқанд филиали** | **АБОНЕНТ:**<br>Пайариқ тумани 1-сон ХХМ |
|---|---|
| Манзил: 140103, г.Самарканд,ул.М.Улугбека,92<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20210000804074838397;<br>СТИР:203366731;<br>МФО:00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел:__(66) 240-0011, (66) 234-7574,(66) 234-7553;<br>E-mail: samtel@uztelecom.uz; | Манзил: Пайариқ т. [illegible] МФЙ.<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 1000108601823870929001079002;<br>СТИР: 200956940;<br>МФО: 00014;<br>Банк номи: Тошкент ш. Марказий банки;<br>Тел: [illegible];<br>E-mail: ________. |
| **Оператор номидан:**<br>________ Эшназаров Н.Т.(Ф.И.Ш)<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:**<br>________ Ў. Чемонов.<br>/имзо/<br>м.п. |

Ҳуқуқшунос Маматов А.

202 2 йил “ 28 ” январ

NET 40233927 –сонли абонент шартномасига

1–илова

**<u>Кўрсатиладиган хизматлар</u>**

**Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

**Ўлчов бирлиги–Миллий валюта (сўм)**

| **т/р** | **Хизматлар номи** | **ҚҚСбилан нархи (миқдори)** | **Асос** | **Миқдори** | **15% ҚҚСбилан Тўлов миқдори, 1 ойлик (сўмда)** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I. Бир марталик тўловлар** | | | | |
| | Рўйхатга олиш учун бир марталик тўлов | | Нархнома | | |
| | **II. Ҳар ойлик абонент тўловлари** | | | | |
| | CORPORATE-1 тариф режаси бўйича ______ Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, | | | | |
| 2.1 | Абонент тўлови CORPORATE-1 | 350000 | Нархнома | 3 | 1050000 |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | |

Жами олдиндан тўлов миқдори 1050000 (Бир миллион эллик минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 1050000 (Бир миллион эллик минг) сўмни ташкил этади. Ундан — (—) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда — сўм бир маротабалик GPON технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**
**“Ўзбектелеком” АК**
**Самарқанд филиали**

**Оператор номидан:**

Директор ____________/Эшназаров Н.Т./
/имзо/

м.ў.

**АБОНЕНТ:**
Тойлоқ тумани 1-сон КХМ

**Абонент номидан:**

____________
/имзо/

м.ў.

Ҳуқуқшунос Маллаев А.

**Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус**
**уланишни синовдан ўтказиш**
**далолатномаси**

**Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2021 йил “28” “январ” NET 40233927 -сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди**

| т/р | Хизматларноми | Бажарилганлигиҳақида белги |
|---|---|---|
| 1. | corporate-1 тариф режаси бўйича _______ Мб/с тезлигида UZ-IXvaTAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғи.<br>Уланиш нуқталари сони- 1 | Бажарилди |

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш - қабулқилиш далолатномаси

| № | Қурилманинг дастурий таъминот номи | Миқдори | Серия коди ёки завод рақами | 15% ҚҚСни инобатга олган холда, етказиб бериш қиймати, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 2 | netis WF2409E | 1 | WF2409E | 1186956-52 |

*Қурилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.
*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан техник шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.
*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.
*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгалик қилиш ҳуқуқиниберишː тўғрисидаги ҳужжатдир.

**ОПЕРАТОР:**
**“Ўзбектелеком” АК**
**Самарқанд филиали**

**Оператор номидан:**

Директор ______________/Эшназаров Н.Т./
/имзо/
м.ў.

**АБОНЕНТ:**
Тойлоқ туман 1-сон КХМ.

**Абонент номидан:**

______________ /имзо/
м.ў.

Ҳуқуқшунос Мамаев А